

# Кучли фуқаролик




## Ўқув — тренинг

**Ҳозирги босқичда касаба уюшмалари олдида янада масъулиятли ва кенг қамровли вазифа турибди. Бу касаба уюшмалари фаолларининг ҳуқуқий онги ва билим даражасини янада оширишдир.**

**Яқинда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг ташаббуси билан Деҳқонобод туманида тармоқ касаба уюшмалари фаоллари иштирокида бир кунлик ўқув-тренинг машғулотлари ўтказилди. Унда тумандаги агросаноат мажмуи, тиббиёт, халқ таълими, маданият, транспорт ва алоқа, шунингдек, тадбиркорлар касаба уюшмалари тармоқлари вакиллари, кадрлар бўйича мутахассислар ва ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.**

**Ўқув-тренингда вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари тингловчилардан тушган саволларга жавоб қайтаришди.**

**Рустам НАЗАРОВ**

## Таъсис йиғилиши

*Сирдарё туманидаги «Муқаддас Бунёдкор Ишонч» МЧЖ да касаба уюшма ташкилоти тузилди. Дастлабки кунларданоқ маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти қўлни-қўлга бериб иш бошлади.*

*Энг муҳими, корхона маҳсулотлари жуда тез эл эътиборига тушди. Ахир оддий, бозорбоп ва аҳоли талабига мос маҳсулотлар кимга ёқмайди дейсиз. Бугунги кунда жамиятда 22 киши иш билан таъминланган бўлиб, 8 нафар касаначилар билан шартнома тузилган. 15 дан ортиқ ёшлар ҳунар ўрганиш учун ўқитилмоқда.*

*Жамият аъзолари эришаётган ютуқлар «Ташаббус-2008» кўрик-танловида ҳам эътироф этилди. Туманда энг яхши тадбиркор йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган бўлса, вилоят босқичида жамият раиси Ҳалима Баратова энг яхши тадбиркор аёл номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Эндиликда корхона маҳсулотлари чет эллик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

*Шунингдек, Сайхунобод туманидаги чорвачилик билан шуғулланувчи «Турон» хусусий корхонаси ҳамда парранда етиштириш билаш шуғулланувчи Бахтиёр Ибрагимов бошлиқ якка тартибдаги тадбиркорлар жамоаларида хам касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилди.*

**И.БЎРИЕВ**

## Янги шароитда янгича ишлаш

**Куни кеча Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон туман кенгашида ўтказилган кўчма тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда тизимда ислоҳотларнинг амалга оширилиши, деҳқон фермер хўжаликлари билан касаба уюшма ташкилотлари ўртасида жамоа шартномалари тузишни йўлга қўйиш, бошланғич ташкилотлар етакчиларини танлаш ва улар ишига кўмаклашиш каби бир қатор масалалар ҳақида сўз юритилди. Бу ҳақда туман кенгаши раиси С.Мадаминов иштирокчиларга ахборот берди.**

**Ўқув-семинар давомида тумандаги агросаноат касб-ҳунар коллежи, «Найнаво», «Чўжа» қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари иш фаолияти билан танишилди. Мазкур ташкилотлар етакчилари З.Зулунов, А.Орипов, Т.Қодировлар деҳқон фермер хўжаликлари шароитида касаба уюшмалари ишини ташкил этиш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.**

**Тўхтасин МИРЗАЕВ**

## Раис ишга киришди

*Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман вакиллигининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан сайланган 30 нафар делегат ҳамда бошқа мутасадди ташкилот вакиллари, туман Халқ таълими бўлими раҳбарлари иштирок этишди.*

*Дастлаб иштирокчилар вакилликнинг «Педагог ходимларнинг ижтимомий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахборотини тинглашди.*

*Шундан сўнг ташкилий масала юзасидан сўз олган вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Ҳ.Фахриддинов жойларда жадал олиб борилаётган Раислар кенгаши фаолиятини тугатиш ва туман бирлашган касаба уюшма қўмитасини тузишнинг моҳияти ва афзалликлари хусусида атрофлича тушунча берди. Туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси тузилгач, делегатлар бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда унинг тафтиш комиссияси аъзоларини ҳам фаоллар орасидан сайлаб олишди. Илгари Кармана туман вакили вазифасида ишлаб келган Баҳодир Туробов бир овоздан туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.*

**Тоир ЙЎЛДОШЕВ**

## Ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлаш

### касаба уюшмаларининг асосий фаолият мезони

***Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг маълум қисмида касаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисидаги эскича тасаввурлар сақланиб қолаяпти. Касаба уюшмалари соғломлаштириш масканларига йўлланма тарқатадиган, моддий ёрдам кўрсатадиган, байрам тадбирларини уюштирадиган ташкилот деган қараш кўпчилик онгида ўрнашган.***



Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмалари ўз аъзоларини ҳимоя қилишга биринчи галдаги вазифа деб қараши ва у орқали учта энг муҳим муаммо – бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги масалаларини ҳал этишини ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Яъни, меҳнат қилишни истаган ҳар бир инсон учун иш ўрни мавжуд бўлиши, муносиб ҳақ тўланиши ҳамда бу иш ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи омиллардан холи бўлиши лозим.

Бу вазифани ҳозирги босқичда амалга ошириш йўллари «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури»да аниқ белгилаб берилган.

Касаба уюшмалари ушбу Дастур билан Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга таянишларини, шунингдек, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган аниқ мақсадли йўл-йўриқни қўллаб-қувватлашларини эълон қилдилар.

Маълумки, касаба уюшмалари ходимлар номидан музокара олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлиб, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Шу боис ижтимоий мулоқотни ривож топтириш, ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш ва такомиллаштириш масалалари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан мулоқот асослари йўлга қўйилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилаяпти.

Охирги йилларда тармоқ ва ҳудудлар миқёсидаги ижтимоий мулоқот сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бугунги кунда 80 дан ортиқ тармоқ (тариф) келишувлари тузилгани ва уларнинг барчаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида билдириш рўйхатидан ўтказилгани фикримизни тасдиқлайди.

Ҳудудий (минтақавий) келишувларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда сифат ўзгаришига эришилди. Бугун уларнинг аксарияти минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга бевосита таъсир ўтказмоқда.

Жамоа-шартномавий муносабатларни бевосита корхона ва ташкилотлар миқёсида ривожлантириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жамоа шартномаларини тузаётган юридик шахсларнинг улуши 2003 йилдаги 70 фоиздан 2007 йилга келиб 87 фоизга қадар ўсди, шу даврда жамоа шартномаларининг сони 89 мингдан 210 минггача, яъни қарийб 2,5 баравар ортди. Аҳамиятли томони шундаки, энг кўп ўсиш иқтисодиётнинг нодавлат секторида кузатилди.

Жамоа шартномаси аста-секинлик билан ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадларини юксалтирадиган ҳужжатга айланмоқда. Жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2003 йилдан 2008 йилгача бўлган давр мобайнида 2,8 баравар кўпайди.

Касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ғоят серқирра. Аммо ташкилотимизнинг энг муҳим иқтисодий мақсади – ходимларнинг иш ҳақи ва даромадларини юксалтиришга кўмаклашишдир.

Охирги йилларда нафақат номинал, балки реал иш ҳақининг ҳам барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ўсишда жамоа шартномалари ва келишувларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Чунки меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бошқа низомлар иш берувчилар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинади ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларида мустаҳкамлаб қўйилади.

Ҳозирги пайтда иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари ҳам долзарблиги билан касаба уюшмалари ҳимоя вазифасининг муҳим бўлаги бўлиб қолмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ушбу масала юзасидан давлат органлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб келаяпти.

Жойларда иш ҳақи тўловидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш учун иш берувчиларга расмий талабномалар киритиш, ҳокимият, банк, прокуратурага мурожаат қилиш, судга даъво аризалари киритиш йўлга қўйилган. Кўрилган чоралар натижасида охирги 4 йилда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик республика бўйича 3,5 баравар камайтирилди.

Касаба уюшмалари ўз ваколатлари доирасида турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда, кун кечиришнинг энг паст даражасини ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини кўтаришда қатнашмоқда.

Касаба уюшмалари аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этаяпти. Чунончи, биргина жорий йилда «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида ёшлар ва болаларни жисмонан ва маънавий камол топтириш тадбирлари учун касаба уюшмалари ҳисобидан 9 млрд. сўм сарфланади.

Ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш касаба уюшмаларининг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади.

Касаба уюшмалари бандликка оид давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар, корхоналардан бўшатиладиган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таклиф этадилар.

Касаба уюшмалари, иш берувчилар ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ҳудудий келишувларда янги иш ўринларини барпо этиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш масалалари кўзда тутилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида биргаликда ҳаракат қилиш, барча даражаларда мунтазам маслаҳатлашиб туриш, меҳнат бозори тўғрисида ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш юзасидан қўшма тадбирлар қабул қилинган.

Бандлик масалалари муҳимлигини инобатга олган ҳолда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси билан ҳамкорликда 2006 йил октябр ойида «Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида бандлик ва меҳнат миграцияси муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида янги техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, рақобатга бардош бермаган корхоналарнинг банкрот деб эълон қилиниши ва тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилаётган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биргина 2007 йили 125 минг ходим ишдан бўшатилиши, 343 та тугатилаётган корхона ходимларига моддий мадад чоралари ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик ундирилиши жараёни назоратга олинди. 85 мингдан кўп ходим жамоа шартномалари ва келишувлари орқали иш берувчилар ҳисобидан касбий тайёргарликдан ўтказилди, қайта ўқитилди ва малакаси оширилди.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш — касаба уюшмаларининг ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Меҳнат муносабатларининг деярли барча жабҳалари касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмаслиги керак. Меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, адолатли иш шароитларини яратиш, аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши каби масалалар шулар жумласидандир.

Ҳар йили касаба уюшмалари органларига 20 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушади, уларнинг 70 фоизи бевосита меҳнат муносабатларига тааллуқлидир. Асосан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарарни қоплаш, меҳнат шартномасини қонунга хилоф равишда бекор қилиш, асоссиз бошқа ишларга ўтказиш, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ва бошқа масалаларда мурожаат қилинади.

Йил давомида 80 га яқин мурожаатнинг кўриб чиқилиши судда давом эттирилади ва уларнинг 80 фоизи аризачилар фойдасига ҳал этилади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат соҳасида қонунбузарликлар содир бўлиши кўпинча ходимларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий билимлари етишмаслигининг оқибатидир. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Ҳозирги босқичда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш ўринларини кўрикдан ўтказиш масалалари касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ва сайлаб қўйилган жамоатчилик вакилларининг мақсади битта – иш жойларидаги омилларнинг инсон саломатлигига келтираётган зарарини баҳолаш, носоз қурилмаларда бажариладиган ёки технологияга хилоф ишларни тақиқлаш.

Афсуски, ўзгариб бораётган хўжалик, иқтисодий ва молиявий муносабатларда меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари ўз ўрнини топмаяпти, уларни иккинчи даражали масала деб ҳисоблаш одат тусига кирмоқда, натижада раҳбар ва мутахассис ходимлар онгида хавфсизлик муаммоларини менсимаслик туйғуси илдиз отмоқда.

Бизнингча, агар инсон манфаатлари, унинг меҳнат ва маиший шароитлари эътибордан четда қолса, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча маблағ сарф қилинмасин, у етарли самара бермайди.

**ЎзКУФК юридик, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари**

## Кафолатланган

### аъзолик афзаллигини асослашда муҳим

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга оид қонунларнинг бажарилишига эришиш, жамиятда ўзини ўзи бошқаришни такомиллаштириш каби долзарб вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Фаолиятимизда ижтимоий шерикчиликни такомиллаштиришга доимий эътибор қаратилган.

Жиззах вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2008 — 2009-йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув қабул қилиниб, унга ижтимоий-иқтисодий масалалар, меҳнат муҳофазасига оид мажбуриятлар киритилган. Шунингдек, вилоят миқёсида 17 та ҳудудий-тармоқ келишуви, туманлар миқёсида 10 та ҳудудий, 15 та тармоқ келишувига амал қилинаяпти.

Жорий йилда тузилган жамоа шартномалари орқали 201.250 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Ўтган йили жамоа шартномаларини бажариш учун ҳар бир ходимга ўртача 86 минг сўм маблағ сарфланди.

Касаба уюшма ходимларининг ўқув дастури асосида жойларда жамоа шартномаси ва келишувини тузиш, меҳнат шартномалари ҳамда корхоналар банкротлиги мавзуларида семинарлар ўтказиб келинмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқ ва бурч бўйича нафақат ходимлар, балки иш берувчиларнинг ҳам билими етарли даражада эмас. Шу боис асосий эътибор иш берувчилар, корхона ҳуқуқшунослари ва кадрлар бўлими ходимларининг ўқув машғулотларини ташкил этишга қаратилди.

Ҳудудий ва тармоқ келишувларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатилган. Аксарият тармоқларда йирик бошланғич ташкилотларга етказилиб, улардаги қоидалар жамоа шартномаларида ўз аксини топмоқда. Агросаноат мажмуи, таълим ва фан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, алоқа тармоқларида бошланғич ташкилотларга ёрдам бериш борасида жамоа шартномаларининг тармоқ макетларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида, жамоа шартномаларини сифат ва мазмун жиҳатдан яхшиламоқда.

Касаба уюшмаларининг ҳаракат дастуридаги устувор вазифалардан бири меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини барпо этиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлашдир.

Жамоа шартномалари орқали тармоқ сеткасида белгиланган 0-разряд учун тўланадиган иш ҳақи қийматини ошириш корхоналар фаолиятининг муҳим қирраларидан бирига айланиб бормоқда. 14.720 нафар ишчи-ходимга нисбатан шу имтиёз татбиқ этилди. Жумладан, «Ўзи-телеком» корхонасидаги мазкур қиймат 24000 сўм, «Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖда эса 34900 сўмга тенглаштирилган.

Иш берувчилар томонидан иш ҳақи тўлови кечиктирилгани учун корхона раҳбарлари масъулиятини ошириш, кечиктирилган ҳар бир кун учун товон тўлаш ва бошқа имтиёзлар тармоқ-ҳудудий келишувлари ва жамоа шартномаларида ўз аксини топган. Сўнгги бир йил давомида тўлаш кечиктирилган 260 млн. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Банкротлик тушунчаси барчамизга бирдек аён: бу ходимнинг ишсиз қолиши, иқтисодий муаммо ҳам демак. Ўтган йили вилоятда банкрот деб эълон қилинган корхона ходимлари иш ҳақини ундириш бўйича касаба уюшмаси томонидан етарлича саъй-ҳаракат амалга оширилди. Натижада Жиззах «Оҳак» АЖдан захчўлқурилиш» ОТАЖдан 24.264,9 минг сўмлик иш ҳақи ундирилди. Бу юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий муаммонинг олдини олади. Ишсиз қолганларни иш билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, бандлик — ҳаёт тақозоси. Шунинг учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш борасида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олти ой давомида 13.872 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишга жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоятда 569 та касаначилик иш ўрни яратилиб, фуқаролар билан меҳнат шартномаси тузилди. Бу билан нафақат аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Балки ишлаб чиқаришдаги харажатлар ҳажми қисқаришига ҳам эришилмоқда. Фикримиз тасдиғи сифатида қуйидаги мисолларга эътиборингизни қаратамиз.

«Жиззахпластмасса» ОАЖда касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,5 млн. сўмликдан ортган бўлса, «Зилолатекс» ҳиссадорлик жамиятида бу кўрсаткич

